
ВИЛОЯТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТАҲРИРИЯТДА

Вилоят Журналистлар ижодий уюшмаси раиси, “Фарғона ҳақиқати”–“Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Муҳаммаджон Обидов бошлиқ бир гуруҳ журналистлар “Марказий Фарғона” газетаси таҳририятида бўлишди.

Таҳририят биносида меҳмонларни туман ҳокими Дилшоджон Джалилов ва сектор раҳбарлари кутиб олишди.

Муҳаммаджон Обидов туман матбуотчиларига мана шундай янги бинода қулай шароитлар яратиб бергани учун туман ҳокимига миннатдорчилик билдириб, Ёзёвондаги олиб борилаётган самарали ислохотларга барака тилади.

Туман ҳокими ташриф буюрган журналистларга миннатдорчилик билдириб, бундан кейин ҳам туман газетасини, матбуот хизматини қўллаб-қувватлашини айтди.

Ширин суҳбат бир пиёла чой устида давом этади.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-06-19 11:56:03